

## Аза кийим кийиб йиғлашни касб қилиб олган аёллар учун



16:38 / 23.05.2024 1868

Бунда яқин кишиси ўлганидан унинг мадҳини муболаға билан баланд овозда айтиб, бақриб йиғлаш кўзда тутилади. Жоҳилият пайтида шундай бўлган. Шунингдек, қадимги жоҳилиятда айтиб йиғлашни касб қилиб олган аёллар бўлар эди. Улар қаерда бир одам ўлса, аза кийимларини кийиб бориб, кишиларни таъсирлантириш учун қайғу ва аламни кучайтирувчи сўзларни айтиб, баланд овоз билан йиғлар ва бу «хизмат»лари учун ҳақ олар эдилар.

Бу ишни қилувчи аёллар яхши билиб қўйишлари керакки, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу ҳадисда таъкидлаганларидек:

**«Агар йиғи солувчи аёл ўлимидан олдин тавба қилмаса, қиёмат куни устида қатрондан бўлган кийим ва қичитқидан бўлган кўйлак билан тирилтирилади».**

Лозим қатрондан бўлса, ўзи шундай ҳам шиддатли бўлган дўзах ўти унинг лозимига илашиб, яна ҳам шиддат билан ёнмайдими? Кўйлак қичитқидан бўлса, азоб устига азоб бўлмайдими? Бундай ашаддий азобдан қутулишнинг чораси битта – бу дунёда вақт борида тавба қилиб, шариатимиз ҳаром қилган йиғи солувчилик касбини ташлаш ва кўпроқ ибодат қилиш керак.

***«Ҳадис ва ҳаёт» китоби 7-жузи асосида тайёрланди***